

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирининг
2025 йил "23" июндаги
180-сонли буйруғига
илова

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**«СУРУНКАЛИ ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ С
КЛИНИКАСИ, ТАШХИСОТИ, ДАВОСИ ВА
ПРОФИЛАКТИКАСИ» БЎЙИЧА МИЛЛИЙ
КЛИНИК ПРОТОКОЛЛАРИ**

ТОШКЕНТ-2025

"ТАСДИҚЛАНГАН"
РИЭМИОНСИРАТнинг вирусология
илмий таълимий институти директори
Э.И.Мусабаев



2025 йил

**«СУРУНКАЛИ ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ С»
НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК
ПРОТОКОЛЛАРИ**

ТОШКЕНТ-2025.

МУНДАРИЖА

«СУРУНКАЛИ ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ С» НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛЛАРИ.....	3
«СУРУНКАЛИ ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ С» НОЗОЛОГИЯСИНИНГ ТИББИЙ АРАЛАШУВЛАРИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛИ.....	48
«СУРУНКАЛИ ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ С» НОЗОЛОГИЯСИНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА РЕАБИЛИТАЦИЯСИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛИ.....	61

1. Кириш қисми

1) КХТ-10 га мувофиқ кодлар:

B18.2	Сурункали вирусли гепатит С
-------	-----------------------------

КХТ-11 га мувофиқ кодлар:

IE51.1	Сурункали вирусли гепатит С
--------	-----------------------------

2) **Протоколни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш санаси:** 2025 йил, таҳрир санаси 2028 йил ёки янги асосий далиллар мавжуд бўлганда. Тақдим этилган тавсияларга киритилган ҳар қандай тузатишлар тегишли ҳужжатларда эълон қилинади.

Ушбу клиник протокол ва стандартни ишлаб чиқиш учун масъул муассаса: Республика ихтисослаштирилган эпидемиология микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази Вирусология илмий-тадқиқот институти.

Клиник протокол ва стандартни ишлаб чиқишга ўз хиссаларини қўшганлар:

Жараённи ташкил этиш учун юқумли касалликлар бўйича ишчи гуруҳ аъзолари:

- | | | |
|------------------|-----------------------------------|------------|
| | Марказ директори, тиббиёт фанлари | РИЭМЮПКИАМ |
| 1. Таджиев Б.М. | доктори, профессор | |
| | Илмий ишлар бўйича директор | |
| 2. Таджиева Н.У. | ўринбосари, тиббиёт фанлари | РИЭМЮПКИАМ |
| | доктори, профессор | |

3. Асосий муаллифлар рўйхати:

1.	Мусабаев Э.И.	Институт директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги	РИЭМЮПКИАТМ _н инг вирусология илмий-тадқиқот институти
2.	Туйчиев Л.Н.	Юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор	Тошкент Давлат тиббиёт университети
3.	Абдуқодирова М.А.	Бош илмий ходим, т.ф.д., катта илмий ходим	РИЭМЮПКИАТМ _н инг вирусология илмий-тадқиқот институти
4.	Хикматуллаева А. С.	Илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор	РИЭМЮПКИАТМ _н инг вирусология илмий-тадқиқот институти

5.	Байжанов А.К.	Лойиха раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим	РИЭМЮПКИАТМн инг вирусология илмий-тадқиқот институти
6.	Рахимова В. Ш.	Юқумли ва болалар юқумли касалликлар кафедраси доценти, т.ф.н.	Тиббиёт ходимларининг касбий тайёргарлигини ривожлантириш маркази
7.	Эгамова И. Н.	Бош шифокорнинг ташкилий- услубий ишлар бўйича ўринбосари, т.ф.н., катта илмий ходим	РИЭМЮПКИАТМн инг вирусология илмий-тадқиқот институти
8.	Бригида К.С.	Бўлим мудири, PhD	РИЭМЮПКИАТМн инг вирусология илмий-тадқиқот институти
9.	Исмоилов У.Ю	Гепатология маркази раҳбари, т.ф.н.	РИЭМЮПКИАТМн инг вирусология илмий-тадқиқот институти клиникаси
10.	Долимов Т.К.	Юқумли касалликлар шифокори, т.ф.д.	РИЭМЮПКИАТМн инг клиникаси
11.	Миррахимова Н.М.	Мустақил изланувчи, PhD, катта илмий ходим	РИЭМЮПКИАТМн инг вирусология илмий-тадқиқот институти
12.	Абдурахимова Д.Р.	Юқумли касалликлар шифокори	РИЭМЮПКИАТМн инг вирусология илмий-тадқиқот институти клиникаси

4) Такризчилар

Камилов Фарход Хайдарович

Тошкент педиатрия тиббиёт институти юқумли, болалар юқумли касалликлари, эпидемиология, фтизиатрия ва пульмонология кафедраси тиббиёт фанлари доктори, доценти

Кошеров Бахит Нургалиевна

Қозоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг юқумли касалликлар бўйича бош мутахассиси, тиббиёт фанлари доктори, “Остона тиббиёт университети” НАЖ профессори

5) Муҳокама ўтказилган сана

Клиник протокол олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, Ўзбекистон юқумли касалликлар ассоциацияси аъзолари, соғлиқни сақлаш ташкилотчилари (РИЭМЮПКИАТМ филиаллари директорлари ва ўринбосарлари), юқумли касалликлар хизмати тизимининг ҳудудий муассасалари шифокорлари иштирокидаги ишчи гуруҳнинг якуний йиғилишида норасмий келишувга эришилган ҳолда 2024 йил 20 май куни 6-сонли баённома билан онлайн форматда муҳокама қилинди ва тасдиқлаш учун тавсия этилди.

Ишчи гуруҳ раҳбари - т.ф.д., профессор, ЎзР ФА академиги, РИЭМЮПКИАТМнинг Вирусология ИТИ директори Э.И.Мусабаев.

Мазкур клиник протокол ва стандарт Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазир ўринбосари Баситханова Э.И, Тиббий суғурта бошқармаси бошлиғи Ш. Алмарданов, клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими бошлиғи Ш.Р. Нуримова бошчилигида, клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими бош мутахассиси Г. Джумаева ва етакчи мутахассиси Н.Рахимовалар томонидан мутахассисларининг ташкилий ва услубий кўмагида ишлаб чиқилган.

6) Қисқартмалар рўйхати

Anti-HCV	гепатит С вирусига қарши антитаналар
HBsAg	hepatitis B surface antigen, гепатит В вирусининг юзаки антигени
HCV	Hepatitis C virus , гепатит С вируси
NS 3/4A ингибиторлар	гепатит С ни учун вирусга қарши дорилар, гепатит С вирусининг NS 3 ва NS 4A ноструктуравий оқсилларни блоклайди (J05AE протеаза ингибиторлари)
NS 5A ингибиторлар	гепатит С ни учун вирусга қарши дорилар, гепатит С вирусининг NS 5A ноструктуравий оқсиллини блоклайди (J05AX протеаза ингибиторлари)
АЛТ	аланинаминотрансфераза
АСТ	аспартатаминотрансфераза
АФП	альфа фетопротеин
ВН	вирус юкламаси
ОИВ	Одамнинг иммунитет танқислиги вируси
ВВК	веналарнинг варикоз кенгайиши
ГГТ	гамма- глутамилтрансфераза
ГТ	генотип
ГСК	гепатоцеллюляр карцинома
РНК	деоксирибонуклеин кислотаси
ХБ	халқаро бирлик
КХТ 10	Касалликларнинг халқаро таснифи, 10-таъсир
БТҚВҚД	бевосита таъсир қилувчи вирусга қарши дорилар
ВҚД	Вирусга қарши даво
РНК	рибонуклеин кислотаси
РКТ	рандомизацияланган клиник тадқиқотлар
м/к	марта кунига
сКФТ	коптокчалар филтрация тезлиги
таб.	таблетка
УТТ	ультратовуш текшируви
БВЖ	барқарор вирусологик жавоб
СБК	Сурункали буйрак касаллиги
БСХ	Бирламчи склерозловчи халангит
СВГС	сурункали вирусли гепатит С
ЖЦ	жигар циррози

7) Протоколдан фойдаланувчилар:

Умумий амалиёт шифокорлари, терапевтлар, инфекционистлар, педиатрлар, акушер-гинекологлар, гастроэнтерологлар, клиник ординаторлар, магистрлар, докторантлар. Ушбу протокол барча жойларда соғлиқни сақлаш амалиётига парентерал вирусли гепатитларнинг ташхисоти ва даволашнинг замонавий усуллари жорий қилиш учун асос ҳисобланади.

8) Ушбу нозологиядаги беморларнинг тоифаси:

Болалар, катталар, ҳомиладор аёллар.

9) Далилларга асосланган тиббиёт асосида ишончлилик даражаси шкаласи.

Далилларнинг ҳаққонийлик даражаларини баҳолаш шкаласи

ДХД	Тафсили
1	Референс усуларида назорат қилинган тадқиқотларнинг тизимли шарҳлари ёки мета-таҳлилни қўллаган ҳолда рандомизацияланган клиник тадқиқотларнинг тизимли шарҳлари
2	Референс усуларида назорат қилинган айрим тадқиқотлар ёки айрим рандомизацияланган клиник тадқиқотлар ва исталган дизайндаги тадқиқотларнинг тизимли шарҳлари, мета-таҳлилни қўллаган ҳолда рандомизацияланган клиник тадқиқотлар бундан мустасно
3	Референс усулининг изчил назоратсиз тадқиқотлар ёки тадқиқ этилаётган усулга боғлиқ бўлмаган референс усулли тадқиқотлар ёки рандомизацияланмаган таққосланмайдиган тадқиқотлар, жумладан, когорт тадқиқотлар
4	Таққосланмайдиган тадқиқотлар, клиник ҳодисанинг баёни
5	Фақат таъсир механизмининг асосланиши ёки экспертлар фикрининг мавжудлиги

Тавсияларнинг ишончлилик даражаларини баҳолаш шкаласи

ТИД	Тафсили
А	Кучли тавсия (кўриб чиқиладиган барча самарадорлик мезонлари (оқибатлар) муҳим, барча тадқиқотлар юқори ёки қониқарли услубий сифатга эга, уларнинг оқибатлари бўйича хулосалар мувофиқлаштирилган)
В	Шартли тавсия (кўриб чиқиладиган барча самарадорлик мезонлари (оқибатлар) муҳим эмас, барча тадқиқотлар юқори ёки қониқарли услубий сифатга эга эмас ва / ёки уларнинг оқибатлари бўйича хулосалар мувофиқлаштирилмаган)
С	Заиф тавсия (тегишли сифатли далилларнинг йўқлиги (кўриб чиқиладиган барча самарадорлик мезонлари (натижалари) аҳамиятсиз, барча тадқиқотлар паст услубий сифатга эга ва уларнинг оқибатлари бўйича хулосалар мувофиқлаштирилмаган)

СУРУНКАЛИ ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ С

1. Асосий қисм

1.1. Кириш

Гепатит С вируси (HCV) глобал миқёсда сезиларли таъсир кўрсатади, ҳозирги вақтга келиб 58 миллион одам сурункали инфекцияга чалинган бўлиб ҳар йили 1,5 миллионга янги касаллик юқтириш ҳолатлари қайд қилинади.

ЖССТ маълумотларига кўра, 2019 йилда гепатит С дан 290 мингга яқин одам, асосан, цирроз ва гепатоцеллюляр карциномадан вафот этган. 2015 йилда дунё бўйлаб сурункали гепатит С ташхисланганлар сони 71 миллионга яқин бўлиб, уларнинг аксарияти ўзларининг инфекциялари ҳақида билишмаган. Дунё бўйлаб ҳар йили 1,5 миллионга яқин инфекция юқтириш ҳолатлари кўзатилади. HCV инфекцияси дунё бўйлаб сурункали жигар касалликларининг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда. HCV инфекциясининг табиий узоқ муддатли кечиши турличадир: жигарнинг шикастланиши минимал некротик яллиғланиш билан кечувчи ўзгаришлардан бошлаб тарқалган фиброз ва жигар циррози билан ёки гепатоцеллюляр карцинома (ГЦК) билан намоён бўлиши мумкин. Сўнгги икки ўн йилликда HCV билан боғлиқ жигар касаллиги билан оғриган беморларга клиник ёрдам кўрсатиш, касалликнинг патофизиологиясини чуқур тушуниш, шунингдек, диагностика жараёнларидаги ютуқлар ва терапия ҳамда олдини олишнинг кескин яхшиланиши туфайли сезиларли даражада ривожланди.

<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0168827820305481>

СВГС кўзғатувчиси HCV бўлиб, Flaviviridae оиласига мансуб кичик гепатотроп РНК вирусидир. Вирус ядро оқсилли (HCVcорAg) ва бир занжирли (+) РНКдан ташкил топган нуклеокапсиддан иборат. Вирусли геноми 10 хил оқсилни, шу жумладан, 3 та структуравий ва 7 та ноструктуравий (p7, NS2, NS3, NS4A, NS4D, NS5A ва NS5B) ни кодлайди.

1 дан 8 гача араб рақамлари билан белгиланадиган 8 та генотип ва лотин ҳарфлари билан белгиланадиган бир неча ўнлаб HCV субтиплари мавжуд. 1a ва 1b генотипларининг кичик типлари энг катта клиник аҳамиятга эга. Генотип ва субтиплар кетма-кетлиги мос равишда тахминан 30% ва 20% кетма-кетликда фарқланади. Вирус геномининг ўзгарувчанлиги ўзига хос антитаначаларнинг ишлаб чиқарилишини аниқлайдиган антиген детерминантларнинг тузилишида ўзгаришларга олиб келади. Бу организмдан вирусни йўқ қилиш ва HCV га қарши самарали вакцина яратишга тўсқинлик қилади.

Кўпгина ҳолларда (55-85%) HCV инфекцияси касалликнинг сурункали турига олиб келади ва беморларнинг тахминан тўртдан бирида кейинги ўн йилликларда цирроз ривожланишига олиб келади, бу эса ўз навбатида ГЦК шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Кўпинча, инфекциянинг симптомсиз кечиши туфайли касаллик биринчи навбатда циррознинг асорати белгилари билан намоён бўлади. Жигар циррози, одатда, сурункали гепатит С билан оғриган беморларнинг 25-35% да ривожланади. Унинг ривожланиш эҳтимоли йилига 7,3% ни (5,1-9,5%) ташкил қилади. Кўпгина беморларда сурункали гепатит С дан кейинги жигар циррози биринчи навбатда жигар биопсиясининг гистологик текшируви асосида аниқланади. ЖЦнинг декомпенсацияланиш даражаси йилига 5,5% ни ташкил қилади. Компенсацияланган циррози бўлган беморларда бир йил ичида портал гипертензия синдромининг ривожланиш эҳтимоли 3,6%, жигар энцефалопатияси - 0,4%, ГЦК - 1,5% ни ташкил қилади.

Сурункали гепатит С да вируснинг таъсири ва у келтириб чиқарадиган иммунологик реакциялар нафақат жигарга, балки бошқа аъзолар ва тўқималарга ҳам

зарар етказди. Сурункали гепатит С да тизимли шикастланишлар концепцияси вируснинг жигардан ташқарида, айнан келиб чиқиши лимфоид ва лимфоид бўлмаган тўқималарда кўпайиш имкониятидир. Вируснинг иммунокомпетент хужайраларда (лимфоцитларда) кўпайиши уларнинг иммунологик функциясини бузилишига олиб келади. Моноцитларда HCV нинг сақланиши сурункали HCV нинг оғир шакллари бўлган беморларда жигар трансплантациясидан кейин инфекция қайталанишининг асосий сабабидир.

https://medi.ru/klinicheskie-rekomendatsii/khronicheskij-virusnyj-gepatit-s-khvgs-u-vzroslykh_14028/

HCV терапиясининг асосий мақсади инфекцияни даволаш, яъни барқарор вирусологик жавобга (БВЖ) эришишдир. БВЖ бу даволаш тугагандан сўнг HCV РНКнинг аниқланмаслиги. БВЖ HCV инфекциясидан тўлиқ даволанишдир, чунки кеч рецидив 6 ойлик кузатувдан кейин 0,2% дан кам ҳолларда содир бўлади. БВЖ одатда жигар ферментларининг меъёрга келиши, жигар некрояллиғланиш ва фиброзининг яхшиланиши ёки регрессияси, жигар фаолиятининг яхшиланиши билан боғлиқ.

<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0168827820305481>

1.2. Таъриф:

Сурункали вирусли гепатит С (СВГС) 6 ойдан ортиқ давом этадиган сурункали яллиғланиш касаллиги бўлиб, гепатит С вирусини (ГСВ ёки HCV – Hepatitis C virus) юқтирганлиги сабабли асосан жигар тўқимасининг шикастланиши билан оғир оқибатларга - цирроз (ЖЦ), жигар саратони (гепатоцеллюляр карцинома) ва ўлимга олиб келиши мумкин.

<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0168827820305481>

1.3. Таснифи:

ХКТ-10 га мувофиқ

Сурункали вирусли гепатит С

<https://classinform.ru/mkb-10/b18.2.html>

СВГС ташхисоти қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- шикоятларни аниқлаш ва анамнезни йиғиш;
- холисона текшириш;
- лаборатор ва инструментал текширув усуллари: биринчи босқичда мунтазам ва текширувнинг иккинчи босқичида ўзига хос (кўрсатмаларга мувофиқ);
- жигардан ташқари белгиларни намоёнларни истисно қилиш;
- жигар ҳолатини баҳолаш.

2. Ташхисот усуллари, ёндошувлари ва муолажалари

2.1. Ташхисот мезонлари

Шикоятлар

Сурункали вирусли гепатит С кам белгили ёки белгисиз кечиши мумкин.

Сурункали гепатит С клиник белгиларсиз ёки минимал белгилар билан қуйидаги ўзига хос бўлмаган аломатлар билан кечади:

- чарчок;
- гриппга ўхшаш симптомлар;
- бўғимларда оғриқлар;
- қичишиш;
- уйқу ва иштаҳанинг бузилиши;
- кўнгил айниши;
- депрессия (Бек шкаласидан фойдаланиб барча беморларда текширув ўтказиш).

Сурункали гепатит С жигардан ташқари кўринишлар билан боғлиқ бўлиши мумкин, масалан:

Эндокрин	Гипертиреоз Гипотиреоз Хашимото тироидити Қандли диабет
Гематологик	Аралаш криоглобулинемия Идиопатик тромбоцитопения Но-Ходжкин В лимфомаси Валденстрём макроглобулинемияси Апластик камқонлик
Сўлак безлари ва кўзларнинг шикастланиши	Лимфоцитар сиаладенит Шох парданинг яраси Увеит
Тери	Тери некротик васкулити Кечки тери порфирияси Қизил ясси темиратки Мультиформ эритема Тугунли эритема Малакопл акия Эшак еми
Нерв-мушак ва бўғимлар	Миопатик синдром, периферик полинейропатия, Гиена-Барре синдроми, артрит, артралгиялар
Буйрак	Гломерулонефрит
Аутоиммун ва бошқалар	Интерстициал ўпка фибрози, ўпка васкулити, гипертрофик кардиомиопатия, CRST синдроми, антифосфолипид синдроми, аутоиммун гепатит 1 ва 2 тип, Бехчет синдроми, дерматомиозит

3.1.2. Қасаллик анамнези:

С1	<p>Анамнезни йиғишда қон қуйиш, аъзолар ва тўқималарни трансплантация қилиш, хавfli инвазив (тиббий бўлмаган) муолажалар, хавф гуруҳларига мансублик (психик фаол моддаларни истеъмол қилувчилар, сурункали гемодиализдаги беморлар, онкогематологик касалликлар билан касалланган беморлар, ОИВ ва бошқа парентерал инфекциялар билан яшовчи шахслар, HCV билан касалланган шахсларнинг жинсий шериклари, тиббиёт ходимлари, HCV билан касалланган оналардан туғилган болалар, жигар функцияси тестлари ўзгарган шахслар).</p> <p><i>Манба: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 27 августдаги “Ўзбекистон Республикасида вирусли гепатитларнинг таъхисоти, давоси ва профилактикаси бўйича чора-тадбирларни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 542-сон буируги</i></p> <p>https://cr.minzdrav.gov.ru/schema/672_1</p> <p>https://medi.ru/klinicheskie-rekomendatsii/ostryj-virusnyj-gepatit-su-detej_14150/</p> <p>https://www.policlinika-fts.ru/upload/docs21/kr673-hronicheskij-virusnyj-gepatit-d-hvgd-u-vzroslyh.pdf</p>
----	--

3.1.3. Эпидемиологик анамнез:

С	<p>Энг аҳамиятлиси парентерал юқиш йўлидир (вена ичига психик фаол моддаларни қўллаш, тиббий муолажалар, жароҳатли косметик муолажалар, шу жумладан маникюр ва педикюр, татуаж ва пирсинг), камроқ - жинсий ва вертикал юқиш йўллари дир.</p> <p>Қон билан зарарланган игна орқали тиббиёт ходимларининг муолажалар бажариш жараёнида инфекцияни юктириш хавфи тахминан 1,8% ни ташкил қилади. Беморнинг қони, шикастланган териси орқали тиббий ходимнинг шикастланган териси ёки шикастланмаган шиллик пардаларига тушса, инфекция юқиш хавфи анча паст бўлади. Бемор қонини бутунлиги бузилмаган терига тушиши хавфсиздир. Шу сабабли тиббиёт ходимларига инфекция юқиш хавфи паст.</p> <p>Инфекциянинг перинатал юқиш хавфи 5-10% ни ташкил қилади ва туғилиш усулига кам боғлиқ, лекин онада ОИВ инфекцияси мавжуд бўлганда юқиш хавфи 14-16% гача ортади.</p> <p>Вируснинг жинсий безлар ва аъзолардаги паст концентрацияси унинг жинсий йўл билан ўтиш хавфининг паст эканлигига олиб келади: ҳимояланмаган жинсий алоқада юқиш йилига 0,5% ни ташкил қилади.</p> <p>http://disuria.ru/_ld/12/1211_kr21B18p2MZ.pdf</p>
---	---

3.1.4. Физикал текширувлар

С	Умумий кўриқда одатда ҳеч қандай ўзгаришлар аниқланмайди. Жигар циррози белгилари бўлиши мумкин (асцит, "жигарга хос пальмар эритема", қоринда веналарнинг варикоз кенгайиши, шиш, спленомегалия). Иммунологик сабаб бўлган жигардан ташқари кўринишларнинг ривожланиши орқали ўзгаришлар содир бўлади. https://cr.minzdrav.gov.ru/schema/516_2#doc_b
С	Умумий кўриқда тери ва шиллиқ пардаларнинг иктерик бўялганлигини аниқлаш. https://cr.minzdrav.gov.ru/schema/672_1
С	Жигар ва талоқнинг ҳажмини (катталишиши ёки кичрайиши) ва консистенциясини аниқлаш билан қоринни пайпаслаш. https://cr.minzdrav.gov.ru/schema/672_1
С	Жигар функциясининг декомпенсацияси белгиларини аниқлаш (энцефалопатия, периферик шишлар, геморрагик синдром) https://cr.minzdrav.gov.ru/schema/672_1

3.1.5. Лаборатор текширувлар

Асосий лаборатор ташхисоти:

Қоннинг иммунофермент таҳлили:

А1	НСV инфекциясини скрининг қилиш ИФТ усули ёрдамида зардобда ёки плазмада НСV га қарши антитаналарни аниқлашга асосланган бўлиши керак. https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0168827820305481
А1	НСV антитаналарига скринингни осонлаштириш ва тиббий ёрдам олиш имкониятини яхшилаш учун ИФТ ўрнига тиббий ёрдам кўрсатиш жойида зардоб, плазма, бармоқдан олинган қон ёки сўлакда тезкор диагностика тестларидан фойдаланиш мумкин. https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0168827820305481

Реал вақт режимида полимераза занжир реакцияси (ПЗР):

А1	Сурункали НСV инфекциясида НСV РНК аниқланиши керак. https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0168827820305481
----	---

A1	Гепатит С вирусининг генотипини аниқлаш фақат сурункали HCV инфекцияси бўлган беморларга генотипга хос вирусга қарши даво режимини режалаштириш учун тавсия этилади.
A1	<p>HCVга мусбат антитаначалар, HCV РНК-манфий, яқинда орттирилган HCV инфекциясига шубҳа қилинган беморлар якуний клиренсни тасдиқлаш учун 12 ва 24-ҳафталарда тақрорий HCV РНК текширувидан ўтишлари керак.</p> <p>Изоҳлар: HCV РНК билан биргаликда анти-HCV мавжудлиги сурункали гепатит С билан касалланган беморлар учун ҳам, ўткир гепатит С билан касалланган беморлар учун ҳам ҳосдир. Ўткир гепатит С билан касалланган беморларда HCV РНК концентрацияси аниқланмайдиган даражага қадар ўзгариши мумкин. Шундай қилиб, аниқланмайдиган HCV РНКси бўлган беморлар HCV клиренсига ишонч ҳосил қилиши (ўткир гепатит С дан ўз-ўзидан тузалиши) ёки HCV шаклланишини тасдиқлаш учун манфий натижадан 12 ва 24 ҳафта ўтгач, HCV РНКни қайта текшириши керак.</p> <p>https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0168827820305481 https://cr.minzdrav.gov.ru/schema/516_2#doc_b</p>

Лаборатория параметрларини талқин қилиш

анти-HCV	HCV РНК	Натижани талқин қилиш
+	+	Ўткир гепатит С.
+	+	Сурункали гепатит С
+	-	<p>Ўткир гепатит С нинг реконвалесценти (тузалган)</p> <p>Ёлғон мусбат ИФТ натижаси</p> <p>Қон қуйиш пайтида пассив равишда олинган антитаналар</p> <p>Боланинг онадан ўтган пассив антитаналари</p> <p>Интемиттирланган вирус</p> <p>Кам вирус юкламаси</p>
-	+	Лаборатор хатолик

		<p>ЎГС (биринчи ҳафталарда)</p> <p>касалликнинг ўткир намоён бўлиш вақтида 50% ИФТ (+) бўлиши сабабли, ЎГС шубҳали барча ҳолатларда ПЗР амалга оширилади, шу жумладан ИФА (-) ҳолатларда ҳам</p> <p>Иммуносупрессия кузатилган шахсларда ВГС</p> <p>Иммуносупрессив дориларни қабул қиладиган беморлар</p> <p>Гемодиализда бўлганлар</p> <p>Трансплантациядан кейин</p> <p>ОИВ инфекцияси бўлган беморлар</p>
--	--	---

Биокимёвий қон таҳлили:

	<p>Сурункали гепатит С билан касалланган барча беморларга трансаминазаларнинг (аланинаминотрансфераза, аспартатаминотрансфераза) фаоллигини, гепатоцитлар шикастланишининг оғирлигини аниқлаш, жигар ва буйраклар фаолиятини баҳолаш учун биокимёвий қон таҳлилини ўтказиш тавсия қилинади.</p>
A1	<p>Изоҳлар: жигар циррози белгилари бўлмаса, трансаминазалар фаоллиги ва жигар функциясининг бошқа кўрсаткичларининг (билирубин, альбумин) клиник аҳамияти юқори эмас. Бу жигар патологияси мавжуд бўлсагина катта аҳамиятга эга бўлади. Сурункали гепатит С натижасида жигар циррози бўлган беморларда гепатоцитлар шикастланишининг оғирлиги ва декомпенсация белгилари беморни олиб бориши тактикасини танлашда ВҚД дориларини ва касаллик кечишини прогноз қилишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бундан ташқари инструментал текширув ўтказиши имкони бўлмаганда АЛТ ва АСТ жигар фиброзининг оғирлигини мустақил равишда баҳолаш учун ишлатилиши мумкин (масалан, APRI, FIB-4 индекслари). Софосбувирни ўз ичига олган ВҚД схемаларини режалаштиришда буйрак функциясини (креатинин) баҳолаш керак.</p> <p>https://medsoftpro.ru/kalkulyatory/apri-index.html</p> <p>https://www.hepatitisc.uw.edu/page/clinical-calculators/fib-4</p> <p>https://cr.minzdrav.gov.ru/schema/516_2#doc_b</p>

3.1.6. Қўшимча лаборатор текширувлари:

Умумий қон таҳлил:

С	<p>Сурункали гепатит С ва/ёки жигардан ташқари қўринишлар белгилари (лимфопротрофиератив касалликлар) бўлган барча беморларга умумий (клиник) қон таҳлилини кенгайтирилган ўтказиш тавсия этилади.</p>
	<p>Изоҳлар: сурункали гепатит С нинг кечиши қоннинг ҳужайра таркибига таъсир қилиши мумкин, аммо гепатит С томонидан қўзғатилган жигар циррози ва лимфопротрофиератив касалликлар бўлмаганида бундай ўзгаришларнинг ишончли далиллари йўқ. Жигар циррози шаклланганда кўпинча турли даражада тромбоцитопения, кам ҳолларда цитопениянинг бошқа вариантлари кузатилади.</p> <p>https://cr.minzdrav.gov.ru/schema/516_2#doc_b</p>

Альфа-фетопропротеин (АФП) даражасини текшириш

А	<p>Сурункали гепатит С оғир жигар фибрози (Ф3-Ф4) билан кечганда ГЦКни ўз вақтида ташхислаш учун беморларнинг қон зардобадаги алфа-фетопропротеин (АФП) даражасини аниқлаш тавсия аниқланади.</p>
	<p>Изоҳлар: ЖЦ босқичида ГЦК ривожланиши хавфи йилига тахминан 1-5% ни ташиқил қилади. ГЦК билан оғриган беморларда ташиқисдан кейинги биринчи йил ичида ўлим эҳтимоли 33% ни ташиқил қилади.</p> <p>https://cr.minzdrav.gov.ru/schema/516_2#doc_b</p>

3.1.7. Инструментал текширувлар:

Қорин бўшлиғининг ултратовуш текшируви:

А1	<p>Сурункали гепатит С билан оғриган барча беморларга жигар циррози ва ГЦК белгиларини аниқлаш учун қорин бўшлиғи (комплекс) ва ретроперитонеал бўшлиқнинг ултратовуш текширувидан ўтиш тавсия этилади.</p>
	<p>Изоҳ: Қорин бўшлиғи ва ретроперитонеал бўшлиқнинг ультратовуш текшируви ГЦК, портал гипертензия белгилари (талокнинг катталаниши, портал тизим веналарини кенгайтиши), асцитни аниқлаш, ошқозон-ичак йўллариининг патологиясини истисно қилиш учун амалга оширилади, бу баъзи ҳолларда касаллик босқичи ва даволаш тактикаси аниқлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Сурункали гепатит С натижасидаги ЖЦ ва ГЦК белгиларсиз бўлиши мумкин ва фақат ультратовуш текшируви ёрдамида аниқланиши мумкин. Агар жигарда ГЦК учун шубҳали хосила аниқланса, текширувлар ГЦК ни ташхислаш ва даволаш бўйича клиник тавсияномаларга мувофиқ давом эттирилиши керак.</p> <p>https://cr.minzdrav.gov.ru/schema/516_2#doc_b</p>

Жигарнинг эластометрияси (фиброскан текшируви).

A1	<p>Жигар фибрози босқичини ташхислаш учун тавсия этилади (жигар эластометрияси, агар у мавжуд бўлмаса – зардоб тестлари APRI, FIB-4ни ҳисоблаш). https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0168827820305481</p>
	<p><i>Изоҳлар:</i> инвазив бўлмаган тахисот фиброз босқичини юқори аниқликда баҳолаш имконини беради. Буни жигарнинг эластометрияси (фиброскан текшируви) (тасдиқланган ускунада бажарилиши керак) ёки зардоб тестлари ёрдамида амалга ошириши мумкин. Агар эластометрия мавжуд бўлмаса, лаборатор текширувлари натижаларига кўра ҳисобланган кўрсаткичлардан фойдаланиши мумкин (APRI, FIB-4 индексларини ҳисоблаш) https://cr.minzdrav.gov.ru/schema/516_2#doc_b</p>

Жигар биопсияси

A	<p>Ноинвазив ташхислашда маълумотлар баҳсли бўлганда жигар биопсияси ўтказилиши керак. https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0168827820305481</p>
---	---


3.1.8. Мутахассислар билан маслаҳатлашиш учун кўрсатмалар

C	<p>Сурункали гепатит С нинг жигардан ташқари кўринишлари мавжуд бўлганда ихтисослашган мутахассислар билан маслаҳатлашиш</p>
---	--

<https://diseases.medelement.com/> <https://diseases.medelement.com/disease/хронический-гепатит-с-у-взрослых-2020/16503>

3.2. Ташхислаш алгоритми

Сурункали гепатит Снинг ташхисоти ва даволаш алгоритми



3.3. Қиёсий ташхис ва қўшимча тадқиқотларни асослаш:

Ўткир	гепатит	С	нинг	қиёсий	ташхисоти
С	https://diseases.medelement.com/disease/%D1%85%D1%80%D0%BE%D0%BD%D0%B8%D1%87%D0%B5%D1%81%D0%BA%D0%D0%B3%D0%B5%D0%BF%D0%B0%D1%82%D0%B8%D1%82-%D1%81-%D1%83-%D0%B2%D0%B7%D1%80%D0%BE%D1%81%D0%BB%D1%8B%D1%85-2020/16503				

Диагностика	Қиёсий ташхислаш учун	Текширув	Ташхисни истисно қилиш мезонлари
ВГ	Гепатитнинг умумий клиник ва лаборатор белгилари	anti-HAV IgM, HBsAg, HBeAg, anti-HBcIgM, anti-HDV IgM, anti-HCV, anti-HEV IgM, ПЗР (HBV ДНК), ПЗР (HCV РНК)	Вирусли гепатит маркёрларини йўқлиги, ПЗР натижалари манфий ёки инфекция давомийлиги 6 ойдан кам бўлган серологик ва / ёки молекуляр тестларнинг мусбат натижалари
СГВ/СГД	Гепатитнинг умумий клиник ва лаборатор белгилари	HBsAg, anti-HDV, ПЗР (HBV ДНК, HDV РНК)	Вирусли гепатит В ва Д маркёрларининг йўқлиги, молекуляр тестларнинг мусбат натижалари
СБК	Гепатитнинг умумий клиник ва лаборатория белгилари	ИФ, ГГТП, АМА, АМА2, IgM, липидограмма, оғир ҳолатларда жигар биопсияси	Холестаз синдромининг йўқлиги, дислипидемия, ПБС гистологик белгилари, салбий АМА, АМА2нинг манфий натижалари, IgMнинг меъёрий даражаси
БСХ	Гепатитнинг умумий клиник ва лаборатор белгилари	ИФ, ГГТП, рANCA, ЭРХПГ, МР-холангиография, оғир ҳолатларда LBx	Холестаз синдромининг йўқлиги, холангиограммаларда ўт йўлларида ўзгаришларнинг йўқлиги
НАСГ	Гепатитнинг умумий клиник ва	Умумий кўрик, ФПП, липидограмма, қонда глюкоза, инсулин, HbA1c,	Метаболик синдром белгиларининг йўқлиги (шу жумладан семизлик, гипертензия, инсулинга чидамлик қаршилиги, ҚД2,

	лаборатор белгилари	УТТ қорин бўшлиғи аъзолари, оғир ҳолатларда LBx	дислипидемия), ултратовуш текширувда ва жигар стеатози белгилари
Гемохроматоз ва темирнинг ортиқча юкланиши белгилари	Гепатитнинг умумий клиник ва лаборатор белгилари	Темир, ферритин қон зардобиди, генетик текширувлар, оғир ҳолатларда LBx	Темирнинг ортиқча юкланишининг клиник ва лаборатория белгиларининг йўқлиги, генетик текширувларнинг манфий натижалари, жигар сидерозининг йўқлиги
Дорилар билан боғлиқ жигар шикастланиши	Гепатитнинг умумий клиник ва лаборатор белгилари	Анамнез, психоактив моддаларга қон, генетик текширувлар, мураккаб ҳолатларда LBx	Сабаб бўлувчи дори воситасини қабул қилиш билан боғлиқ эмас, аллергия тестлари ва генетик текширувларнинг манфий натижалари
АИГ	Гепатитнинг умумий клиник ва лаборатор белгилари	ANA, ASMA, AAA, LKM-1, SLA/LP, anti-LC, IgG, гамма-глобулинлар	Аутоантитаначаларнинг йўқлигининг, гипергаммаглобулинемия, характерли гистологик манзара, ҳамроҳ аутоиммун касалликлар
Жигар циррози	Гепатитнинг умумий клиник ва лаборатория белгилари	УТТ, альбумин, тромбоцитлар даражаси, билирубин, ЭГДФС	Жигар циррозининг клиник ва лаборатория белгиларининг йўқлиги (портал гипертензия, асцит, варикоз томирлар кенгайиши, гипоалбуминемия)

Амбулатор даволаш тактикаси:

СВГС нинг дори воситаларисиз даволаш

- Чекишдан воз кечиш;
- спиртли ичимликлар ва бошқа зарарли одатлардан воз кечиш;
- рационал овқатланиш;
- жисмоний фаоллик, ҳаракатсиз турмуш тарзидан кечиш;
- рационал овқатланиш тамойилларига риоя қилиш; ортиқча вазн ёки семизлик бўлса - паст каллорияли парҳез;
- етарли миқдорда суюқлик истеъмол қилиш (қунига 2-3 литргача);
- хавф омилларининг эҳрайишини минималлаштириш (спиртли ичимликлар, гепатотоксик дорилар, шу жумладан биологик фаол моддалар қабул қилмаслик).

Амбулатор бўғинда

1) Дори воситалари билан даволаш

Этиотроп даволашнинг мақсади

- HCV инфекциясини даволаш (синф/ишончлилик даражаси I A).
- Давонинг якуний нуқтаси қон зардобида ёки плазмасида HCV РНК ни аниқлашнинг пастки чегараси <15 ХБ/мл 12 ҳафта (БВЖ12) ёки 24 ҳафта (БВЖ24) давомида даволаш тугаганидан кейин аниқланмаслиги ҳисобланади (A1). Даволаш тугаганидан кейин 12 ҳафта (БВЖ12) ёки 24 ҳафта (БВЖ24) ўтгач қон зардобида ёки плазмасида аниқланмайдиган HCV РНК (A1).

Этиотроп даволаш учун кўрсатмалар.

Сурункали HCV инфекцияси билан даволанмаган ва даволанган барча беморларга зудлик билан даволаш таклиф қилиниши керак (A), жумладан:

- жигардан ташқари клиник кўринишлари бўлган беморлар (масалан, HCV билан боғлиқ аралаш криоглобулинемия билан кечадиган симптоматик васкулит, HCV иммун комплекси билан боғлиқ нефропатия ва Ҳоджкин бўлмаган В хужайрали лимфома);
- жигар трансплантациясидан кейин HCV рецидиви билан оғриган беморлар;
- ҳамроҳ касалликлар (жигардан ташқари паренхиматоз аъзолар ёки илдиз хужайралари трансплантациясини қабул қилувчилар, СВГВ ва ОИВ коинфекцияси, қандли диабет) туфайли жигар касаллигининг тез ривожланиш хавфи бўлган беморлар;

Этиотропик даволашнинг чекловлари

-Замонавий ВҚД асосланган муолажалар учун бир неча ҳолатлар бор (синф/ишончлилик даражаси I A).

-жигар билан боғлиқ бўлмаган ҳамроҳ касалликлар туфайли умр кўриш давомийлиги чекланган беморлар (синф/ишончлилик даражаси I A).

-Баъзи цитохром Р450/Р-гр кўзғатувчи дориларни (карбамазепин, фенитоин ва фенобарбитал каби) қўллаш ВГС БТҚВҚД концентрациясининг сезиларли даражада пасайиши хавфи туфайли барча ВГС БТҚВҚД схемалари учун қарши кўрсатмадир (синф/ишончлилик даражаси I A).

Даволашни бошлашдан олдин мониторинг

Барча беморлар ВКД бошлашдан олдин ҳамроҳ касалликларни, жигар касалликларининг ривожланиш кўрсаткичларини баҳолашлари ва тегишли даволаш чораларини кўришлари керак (синф/ишончлилик даражаси I A).

- HCV инфекциясининг жигардан ташқари кўринишларини аниқлаш керак (синф/ишончлилик даражаси I A).
- ҳКФТ ни аниқлаган ҳолда буйрак функцияси текширилиши лозим (синф/ишончлилик даражаси I A).
- Барча беморлар ВГВ инфекцияси, ОИВ инфекцияси билан аввал касалланганлик ёки ҳозирда инфекциянинг мавжудлиги ва иммунитетни аниқлаш учун текширувдан ўтиши керак (синф/ишончлилик даражаси I A).
- Фибрознинг босқичини дастлаб жигарнинг зичлик даражасини аниқлаш ёки APRI ва FIB-4 биомаркёрларини ўрганиш орқали ноинвазив усуллар ёрдамида баҳолаш зарур (синф/ишончлилик даражаси I A).
- Биринчи гуруҳ дори воситалари билан даражали даволашни бошлашдан олдин HCVга чидамлиликини текшириш тавсия этилмайди (синф/ишончлилик даражаси I A).
- ВГС давосини бошлашдан олдин ва даволаниш пайтида бошқа дори-дармонларни қабул қилишдан олдин дориларнинг ўзаро таъсири хавфини ҳар бир БТҚВҚДни тайинлаш тўғрисидаги маълумотларга асосланиб, БТҚВҚД билан даволанаётган барча беморлар учун тўлиқ баҳолаш зарур (асосий фикрларнинг қисқача мазмуни). Druginteractions.org интернет ресурс бўлиб ҳисобланади, тавсиялар мунтазам янгиланади (синф/ишончлилик даражаси I A).
- Дори воситаларининг ўзаро таъсири ОИВ/ВГС коинфекцияси мавжуд беморларни даволашда муҳим ҳисобланади ва шунинг учун қарши кўрсатма бўлган, тавсия этилмайдиган ёки маълум БТҚВҚД режимларида дозани ўзгартиришни талаб қиладиган вирусга қарши дориларга (синф/ишончлилик даражаси I A) диққат билан эътибор қаратиш лозим.
- Беморларга даволаш режими, дозалар бўйича тавсиялар ва дори миқдорини белгилаш риоя қилиш ҳамда буюрилган бошқа дориларни қўллаш ҳақида хабар қилишнинг муҳимлиги ҳақида маълумот бериш керак (синф/ишончлилик даражаси I A).
- Бевосита таъсирга қилувчи вирусга қарши дорилар таркибига киритилган компонентлар ва таъсир қилувчи дори воситалари

NS3/4A ни ингибирловчи	NS A ни ингибирловчи	NS5B ни ингибирловчи
Глекапревир (ГЛЕ) Гразопревир (ГРА) Нарлапревир (НРВ) Паритапревир (ПТВ)	Велпатасвир (ВЕЛ) Даклатасвир (ДАК) Лэдипасвир (ЛЕД) Омбитасвир (ОБВ) Пибрентасвир (ПИБ) Элбасвир (ЭЛБ)	Дасабувир (ДСВ) Софосбувир (СОФ)

Сурункали гепатит С билан оғриган циррозсиз, ВКТ дан фойдаланмаган ва жигар трансплантацияси бўлмаган беморларни даволаш муқобил режимлардан бирига мувофиқ амалга оширилиши тавсия этилади:

Дори воситаларининг номи	Тавсияларнинг ишончлилик даражаси

Велпатасвир + Софосбувир	A
Глекапревир + Пибрентасвир	A
Даклатасвир + Софосбувир	A
Гразопревир + Елбасвир	A
Даклатасвир + Нарлапревир + Ритонавир	A
Дасабувир; Омбитасвир + Паритапревир + Ритонавир 1b генотипда	C
Дасабувир; Омбитасвир + Паритапревир + Ритонавир + Рибавирин 1a генотипда	A
Ледипасвир + Софосбувир	A
Нарлапревир + Софосбувир + Ритонавир	B.

ВГС моноинфекцияли ёки ВГС/ОИВ инфекцияли, жигар циррози бўлмаган сурункали гепатит С, илгари даволанмаган ва пегилирланган ИФН-а ва рибавирин асосида даволаш самарасиз бўлган (олдин даволанган, лекин БТҚВҚД дорилари олмаган), беморларни даволаш бўйича тавсиялар

Беморлар	Даволанмаган ёки илгари даволанган	Софосбувир/ лэдипасвир	Софосбувир/ велпатасвир	Омбитасвир/ паритапревир/ ритонавир ва дасабувир	Омбитасвир/ паритапревир/ ритонавир	Гразопревир/ элбасвир	Софосбувир ва Даклатасвир	Софосбувир ва симепревир
Генотип 1a	Даволанмаган	8-12 ҳафта, рибавиринсиз	12 ҳафта рибавиринсиз	12 недель рибавирин билан	Йўқ	12 ҳафта, рибавиринсиз, агар РНК ВГС ≤800 000 (5,9 log) ХБ/мл ёки 16 ҳафта рибавирин билан, агар РНК ВГС >800 000 (5,9 log) ХБ/мл ^b	12 ҳафта рибавиринсиз	Йўқ
	Даволаш тажрибасига эга	12 ҳафта рибавирин билан ^a ёки 24 ҳафта рибавиринсиз					12 ҳафта рибавирин билан ^a ёки 24 ҳафта рибавиринсиз	
Генотип 1b	Даволанмаган	8-12 ҳафта, рибавиринсиз	12 ҳафта рибавиринсиз	8-12 ҳафта, рибавиринсиз	Йўқ	12 ҳафта рибавиринсиз	12 ҳафта рибавиринсиз	Йўқ
	Даволаш тажрибасига эга	12 ҳафта рибавиринсиз		12 недель рибавиринсиз				

Генотип 2	Барча беморлар	Йўқ	12 ҳафта рибавиринсиз	Йўқ	Йўқ	Йўқ	12 ҳафта рибавиринсиз	Йўқ
Генотип 3	Даволанмаган	Йўқ	12 ҳафта рибавиринсиз	Йўқ	Йўқ	Йўқ	12 ҳафта рибавиринсиз	Йўқ
	Даволаш тажрибасига эга		12 ҳафта рибавирин билан ^c ёки 24 ҳафта рибавиринсиз				12 ҳафта рибавирин билан ^c ёки 24 ҳафта рибавиринсиз	
Генотип 4	Даволанмаган	12 ҳафта рибавиринсиз	12 ҳафта рибавиринсиз	Йўқ	12 ҳафта рибавирин билан	12 ҳафта рибавиринсиз	12 ҳафта рибавиринсиз	12 ҳафта рибавиринсиз
	Даволаш тажрибасига эга	12 ҳафта рибавирин билан ёки 24 ҳафта рибавиринсиз				12 ҳафта, рибавиринсиз, агар РНК ВГС ≤800 000 (5,9 log) ХБ/мл ёки 16 ҳафта рибавирин билан, ёки РНК ВГС >800 000 (5,9 log) ХБ/мл	12 ҳафта рибавирин билан ёки 24 ҳафта рибавиринсиз	12 ҳафта рибавирин билан ёки 24 ҳафта рибавиринсиз
Генотипы 5 или 6	Даволанмаган	12 ҳафта рибавиринсиз	12 ҳафта рибавиринсиз	Йўқ	Йўқ	Йўқ	12 ҳафта рибавиринсиз	Йўқ

	Илгари даволанган	12 ҳафта рибавирин билан ёки 24 ҳафта рибавиринсиз					12 ҳафта рибавирин билан ёки 24 ҳафта рибавиринсиз	
--	-------------------	--	--	--	--	--	--	--

а PАС тести мавжуд бўлса, фақат NS5A ингибиторларига резистентликнинг юқори даражасини таъминлайдиган қаршилик ўрнини босувчи беморларга рибавирин қўшинг.

б 16 ҳафтагача узайтиринг ва рибавиринни фақат резистентлик билан боғлиқ алмаштиришлари бўлган беморларга қўшинг, бу эса қаршилик билан боғлиқ алмаштиришлар учун тест мавжуд бўлса, дастлабки босқичда элбасвирга қаршилик кўрсатади.

с рибавиринни фақат NS5A резистентлиги билан боғлиқ бўлган Y93H алмашиши бўлган беморларга қўшинг, агар резистентлик билан боғлиқ алмаштиришларни текшириш мавжуд бўлса.

НСV моноинфекцияси ёки сурункали гепатит С билан НCV/ОИВ коинфекцияси бўлган, компенсацияланган жигар циррози (ЧАЙлд-Пью А) бўлган беморларни, шу жумладан илгари даволанмаган беморларни ва пегилирланган интерферон-а ва рибавирин билан даволанган беморларни даволаш бўйича тавсиялар натижа бермаганда (даволаш тажрибаси), илгари БТҚВҚДларни қабул қилмаган беморлар)

Беморлар	Даволанмаган ёки илгари даволанган	Софосбувир/ лэдипасвир	Софосбувир/ велпатасвир	Омбитасвир/ паритапревир/ ритонавир ва дасабувир	Омбитасвир/ паритапревир/ ритонавир	Гразопревир/ элбасвир	Софосбувир ва Даклатасвир	Софосбувир ва симепревир
1 дан 8 гача араб рақамлари билан белгиладиган 8 та генотип ва лотин ҳарфлари билан белгиладиган бир неча ўнлаб HCV субтиплари мавжуд. 1а ва 1в генотипларининг кичик типлари катта клиник аҳамиятга эга. Генотип ва субтиплар кетма-кетлиги мос равишда тахминан 30% ва 20% фарқланади. Вирус геномининг ўзгарувчанлиги ўзига хос антитаначаларнинг ишлаб чиқарилишини аниқлайдиган антиген детерминантларнинг тузилишида ўзгаришларга олиб келади. Бу организмдан вирусни йўқ қилиш ва HCV га қарши самарали вакцина яратишга тўсқинлик қилади https://medi.ru/klinicheskirekomendatsii/khronicheskij-virusnyj-gepatit-s-khvgs-u-vzroslykh_14028/

HCV терапиясининг асосий мақсади инфекцияни даволаш, яъни барқарор вирусологик жавобга (БВЖ) эришишдир. БВЖ бу даволаш тугагандан сўнг HCV РНКнинг аниқланмаслиги. БВЖ HCV инфекциясидан тўлиқ даволанишдир, чунки кеч рецидив 6 ойлик кузатувдан кейин 0,2% дан кам ҳолларда содир бўлади. БВЖ одатда жигар ферментларининг меъёрга келиши, жигар некротик яллиғланиш ва фиброзининг яхшиланиши ёки регрессияси, жигар фаолиятининг яхшиланиши билан боғлиқ (<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0168827820305481> Pawlotsky, Jean-Michel, et al. "EASL recommendations on treatment of hepatitis C: final update of the series ☆." Journal of hepatology 73.5 (2020): 1170-1218.)

2.2. Таъриф:

Сурункали вирусли гепатит С (СВГС) 6 ойдан ортиқ давом этадиган жигарнинг сурункали яллиғланиш касаллиги бўлиб, гепатит С вирусини (ГСВ ёки HCV – Hepatitis C virus) юктирганлиги сабабли асосан жигар тўқимасининг шикастланиши билан боғлиқ оғир оқибатларга - цирроз (ЖЦ), жигар саратони (гепатоцеллюляр карцинома) ва ўлимга олиб келиши мумкин (<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0168827820305481>)Pawlotsky, Jean-Michel, et al. "EASL recommendations on treatment of hepatitis C: final update of the series ☆." Journal of hepatology 73.5 (2020): 1170-1218.)

2.3. Таснифи:

ХКТ-10 га мувофиқ

Сурункали вирусли гепатит С

<https://classinform.ru/mkb-10/b18.2.html>

ХКТ-11 га мувофиқ

Сурункали вирусли гепатит С

<https://icd.who.int/browse/2025-01/mms/ru#352087872>

3. Таъхислаш усуллари, ёндашувлари ва тартиблари

Физикал текширувлар

1) Муолажалар ёки аралашувларни ўтказишдан мақсад: касаллик оғирлигини аниқлаш.

С	Умумий қўриқда тери ва шиллиқ пардаларнинг иктерик бўялганлигининг аниқланиши. https://cr.minzdrav.gov.ru/schema/672_1
С	жигар ва талоқнинг ҳажмини (катталишиши ёки кичрайиши) ва консистенциясини аниқлаш билан қоринни пайпаслаш. https://cr.minzdrav.gov.ru/schema/672_1
С	Жигар функциясининг декомпенсацияси белгиларини аниқлаш (энцефалопатия, периферик шишлар, геморрагик синдром) https://cr.minzdrav.gov.ru/schema/672_1

2) Муолажа ёки аралашувларга қарши кўрсатмалар: йўқ;

3) Муолажа ёки аралашувларга кўрсатмалар: сурункали вирусли гепатит С бўлган барча беморлар.

4) Муолажа ёки аралашувни амалга оширувчи мутахассисга қўйиладиган талаблар:

- малакали тиббий ёрдам юқумли касалликлар шифокорлари ва бошқа тиббиёт мутахассислари томонидан кўрсатилади ва махсус усуллар ва мураккаб тиббий технологиялардан фойдаланишни талаб қиладиган касалликлар ва ҳолатларнинг ташхисоти, давоси ва олдини олишни ўз ичига олади.

5) Муолажа ёки аралашувга тайёргарлик кўришда асосий ва қўшимча ташхисот тадбирлари рўйхати: йўқ

Ташхисот муолажалари

Инструментал текширувлар:

Қорин бўшлиғи аъзоларининг УТТ:

А-2	Сурункали гепатит С билан оғриган барча беморларга жигар циррози ва ГЦК белгиларини аниқлаш учун қорин бўшлиғи (комплекс) ва ретроперитонеал бўшлиқнинг ультратовуш текширувидан ўтиш тавсия этилади.
	<p><i>Изоҳ: Қорин бўшлиғи ва ретроперитонеал бўшлиқнинг ультратовуш текшируви ГЦК, портал гипертензия белгилари (талоқнинг катталашishi, портал тизим веналарини кенгайishi), асцитни аниқлаш, ошқозон-ичак йўлларининг патологиясини истисно қилиш учун амалга оширилади, бу баъзи ҳолларда касаллик босқичи ва даволаш тактикаси аниқлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Сурункали гепатит С натижасидаги ЖЦ ва ГЦК симптомсиз бўлиши мумкин ва фақат ультратовуш текшируви ёрдамида аниқланиши мумкин. Агар жигарда ГЦК учун шубҳали ҳосила аниқланса, текширувлар ГЦК ни ташхислаш ва даволаш бўйича клиник тавсияномаларга мувофиқ давом эттирилиши керак.</i></p> <p>https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0168827820305481</p>

1) Муолажани ўтказишдан мақсад: Қорин бўшлиғининг ультратовуш текшируви ички аъзоларнинг ҳолати ҳақида маълумот беради: аъзонинг шакли, ҳажми, тузилиши, жойлашишини, кисталар, гемангиомалар, бошқа ҳосилалар, бегона бирикмалар (тошлар), бўшлиқдаги эркин суюқлик мавжудлигини аниқлаш, ўт пуфагининг қисқариши, томирлардаги оқим кўрсаткичларини баҳолаш имконини беради.

2) Муолажа ёки аралашувларга қарши кўрсатмалар: йўқ.

3) Муолажа ёки аралашувларга кўрсатмалар: сурункали вирусли гепатит С бўлган барча беморлар.

4) Муолажа ёки аралашувни амалга оширувчи мутахассисга қўйиладиган талаблар: тегишли малакага эга шифокорлар.

5) Муолажага тайёргарлик кўришда асосий ва қўшимча ташхисот тадбирлари рўйхати: йўқ.

6) Муолажа ёки аралашувни ўтказиш учун талаблар: – УТТ ускунасининг мавжудлиги. дезинфекцияловчи эритма, қоғоз салфеткалар, гель, бир марта ишлатиладиган чойшаблар.

7) Беморни тайёрлашга қўйиладиган талаблар (беморни муолажа ёки аралашувга тайёрлаш жараёнининг тавсифи), шунингдек муолажани (аралашувни) ўтказишнинг бевосита усули:

- текширув оч қоринга, кўпроқ эрталаб амалга оширилади, айниқса ўт пуфагини текшириш. 6-12 соат давомида овқатланмаслик керак. Бундан ташқари, суюқлик ичишдан (болалар текширувдан олдин 1 соат давомида, катталар - 2 соат давомида ичмаслиги керак) ва доридармонларни қабул қилишдан воз кечиши керак. Текширувдан олдин чекманг, қаттиқ конфетларни шимманг ёки сақич чайнаманг, чунки бу ошқозон ва ўт пуфагининг қисқаришига ва натижада нотўғри хулосага чиқаришга олиб келади. Агар УТТ куннинг иккинчи ярмида ўтказилса, унда енгил нонуштага рухсат берилади (текширувдан 5-6 соат олдин).

8) Муолажа ёки аралашувнинг самарадорлик индикаторлари – муолажанинг ўз вақтида бажарилиши; тиббий хужжатларда тавсияларнинг бажарилиши тўғрисидаги ёзувнинг мавжудлиги.

Жигарнинг билвосита эластометрияси (фибросканирлаш)

А1	Сурункали гепатит С билан оғриган барча беморларга вирусга қарши терапия тактикасини аниқлаш ва беморни кейинги даволаш (цирроз ҳолатида) учун фибрознинг инвазив бўлмаган ташхисини ўтказиш тавсия этилади.
----	--

Изоҳлар: инвазив бўлмаган ташиҳот фиброз босқичини юқори аниқликда баҳолаш имконини беради.

<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0168827820305481>

1) Муолажани ёки аралашувни ўтказишдан мақсад: жигар фибрози босқичининг ташҳисоти.

2) Муолажа ёки аралашувларга қарши кўрсатмалар: йўқ.

3) Муолажа ёки аралашувларга кўрсатмалар: сурункали вирусли гепатит С бўлган барча беморлар.

4) Муолажа ёки аралашувни амалга оширувчи мутахассисга қўйиладиган талаблар: мутахассислик бўйича олий тиббий маълумот.

5) Муолажага тайёргарлик кўришда асосий ва қўшимча ташҳисот тадбирлари рўйхати: йўқ.

6) Муолажа ёки аралашувни ўтказиш учун талаблар: – кўрсатмаларга мувофиқ.

7) Беморни тайёрлашга қўйиладиган талаблар: йўқ.

8) Муолажа ёки аралашувнинг самарадорлик кўрсаткичлари: фиброз даражасини ёки унинг йўқлигини аниқлаш.

ЭФГДС: эзофагогастроуденоскопия

Ошқозон-ичак тизимининг ўткир патологиясини аниқлаш учун қорин оғриғи ва "кофе қуйқалари" кўринишидаги қусиш кузатилган беморларда эзофагогастроуденоскопия (ЭФГДС) текшируви тавсия этилади.

С

Изоҳлар: қизилўнгач, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак шиллиқ қаватининг шикастланиш хусусиятини аниқлаш учун амалга оширилади.

<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0168827820305481>

1) Муолажани ёки аралашувни ўтказишдан мақсад: кўрсатмаларга мувофиқ қизилўнгачнинг варикоз кенайган томирларини истисно қилиш учун қизилўнгач, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакнинг шиллиқ қаватини визуал текшириш.

2) Муолажа ёки аралашувларга қарши кўрсатмалар:

- инфаркт, инсульт ўткир даврда;
- юракнинг оғир касалликлари, юрак-қон томир етишмовчилиги;
- гипертоник криз;
- бронхиал астма;
- қон ивишининг бузилиши;
- руҳий касалликларнинг ҳар хил турлари;
- юқори ҳарорат, умумий оғир аҳвол, нафас олиш тизимининг касалликлари;
- ҳомиладорлик

3) Муолажа ёки аралашувларга кўрсатмалар: қон кетиш.

4) Муолажа ёки аралашувни амалга оширувчи мутахассисга қўйиладиган талаблар: мутахассислик бўйича олий тиббий маълумот.

5) Муолажага тайёргарлик кўришда асосий ва қўшимча ташҳисот тадбирлари рўйхати: йўқ.

6) Муолажа ёки аралашувни ўтказиш учун талаблар: – эндоскоп ва талабларга мувофиқ барча тиббий асбоблар мавжудлиги.

7) Беморни тайёрлашга қўйиладиган талаблар:

- барча перорал қабул қилинадиган дори-дармонларни 10-12 соат олдин бекор қилиш керак.

- гастроскопияни ўтказишдан 8 соат олдин овқатланишдан тўлиқ воз кечиш керак. Кечки овқат енгил бўлиши керак. Эрталаб нонушта қилиш тақиқланади, чунки ЭФГД қатъий равишда оч қоринга амалга оширилади.
- текширувдан олдин сийдик пуфагини бўшатиш керак. Агар беморда протезлар ўрнатилган бўлса, муолажадан олдин уларни ечиш керак.

8) Муолажа ёки аралашувнинг самарадорлик индикаторлари:

- ошқозон-ичак трактининг ёндош патологиясини ташхислаш.
- мониторингга узатилган тасвирни қабул қилиш.
- зарурият бўлганда қон кетишни тўхтатиш.

Жигар биопсияси:

	Жигар биопсияси беморни даволаш ёки жигар касаллигини баҳолаш ва даражаларини аниқлашда, клиник белгилар ноаниқ бўлган ҳолатларда ёрдам бериш учун тавсия этилади.
C5	<p><i>Изоҳлар: Жигар биопсияси асоратлар ривожланиши хавфи мавжуд бўлган инвазив муолажа ҳисобланади, шунинг учун фақат инвазив бўлмаган усуллар самарасиз бўлган тақдирда амалга оширилиши керак</i></p> <p>https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0168827820305481</p>

1) Муолажа ёки аралашувни ўтказишдан мақсад: ультратовуш, КТ ёки МРТ каби ноинвазив ташхисот усуллари касалликнинг табиати, унинг фаоллиги, аъзонинг паренхимаси ва стромасидаги ўзгаришлар даражасини мутлақо аниқ баҳолашга имкон бермаса, ташхисни аниқлаштириш.

2) Муолажа ёки аралашувларга қарши кўрсатмалар:

- гемостазнинг оғир патологияси, геморрагик диатез;
- инфекциянинг диссеминация хавфи туфайли қорин бўшлиғи, плевра ва жигарнинг ўзида йирингли-яллиғланиш ўзгаришлари;
- йирингли, экзематоз жараёнлар, кесиш мўлжалланган жойда дерматит;
- юқори портал гипертензия;
- қорин бўшлиғида кўп миқдорда суюқлик бўлган асцит;
- онгнинг бузилиши, кома;
- бемор билан мулоқат қилиш ва унинг ҳаракатларини назорат қилиш қийин бўлган руҳий касалликлар.

3) Муолажа ёки аралашувларга кўрсатмалар: ЖЦ ёки ГЦК шубҳа қилинган сурункали вирусли гепатит С билан касалланган барча беморлар.

4) Муолажа ёки аралашувни амалга оширувчи мутахассисга қўйиладиган талаблар: мутахассислик бўйича олий тиббий маълумот.

5) Муолажага тайёргарлик кўришда асосий ва қўшимча ташхисот тадбирлари рўйхати:

Биопсиядан олдин яшаш жойидаги поликлиникада керакли текширувлардан ўтиш керак, шу жумладан таҳлиллар - коагулограмма, инфекцияларни аниқлаш учун таҳлиллар,

кўрсатмаларга мувофиқ ультратовуш, ЭКГ, флюорография. Улардан баъзилари - қон таҳлили, коагулограмма ва ультратовуш - жигар тўқимасини олишдан олдин такрорланади.

6) Муолажа ёки аралашувни ўтказиш учун талаблар:

Жигарнинг пункцион биопсиясин касалхонага ётқизишни талаб қилмайди ва кўпинча амбулатория шароитида амалга оширилади, аммо беморнинг аҳволи ташвишлангирса ёки асоратлар хавфи юқори бўлса, у бир неча кунга шифохонага ётқизилади. Жигар тўқимасини олиш учун пункция етарли бўлмаса, материал олишнинг бошқа усуллари талаб қилинганда (масалан, лапароскопия), бемор шифохонага ётқизилади ва муолажа жарроҳлик хонасида амалга оширилади.

7) Беморни тайёрлашга қўйиладиган талаблар:

текширувдан камида бир ҳафта олдин антикоагулянтлар, антиагрегантлар ва доимий равишда қабул қилинадиган ностероид яллиғланишга қарши дорилар бекор қилинади;

- муолажадан 3 кун олдин, қорин дам бўлишини келтириб чиқарадиган овқатларни (янги сабзавот ва мевалар, пиширилган маҳсулотлар, дуккакдилар, нон) истисно қилувчи рационга ўзгартирилиши керак;

- текширувдан бир кун олдин сауна ва ҳаммомга ташриф буюришни, иссиқ ванналар ва душ қабул қилиш, оғирлик кўтариш ва оғир жисмоний меҳнатни бекор қилиш;

- қорин дам бўлишида фермент препаратлари ва газ ҳосил бўлишини камайтирадиган воситаларини қабул қилиш (эспумизан, панкреатин);

- охириги овқатланиш биопсияни ўтказишдан камида 10 соат олдин бўлиши керак;

- бир кун олдин кечкурун тозаловчи ҳўкна қилиниши керак.

8) Муолажа ёки аралашувнинг самарадорлик индикаторлари:

- Кнодел усули ёрдамида жигар биопсиясини баҳолашда аъзо паренхимасидаги яллиғланиш оғирлигини акс эттирувчи гистологик фаоллик индекси ҳисобланади ва сурункали ҳолатни кўрсатадиган фиброз даражаси ва жигарда цирроз хавфи аниқланади.

- Дистрофия белгилари бўлган ҳужайралар сонига, некроз майдони, яллиғланиш инфилтратининг табиати ва унинг ифодаланганлиги, фиброз ўзгаришларга қараб, аъзонинг гистологик фаолликни ва фибрознинг босқичини аниқлайдиган умумий баллар сони ҳисобланади.

Ҳисоблаш формуласи

APRI = (АСТ / (АСТ юқори чегараси)) * 100 / тромбоцитлар (10^9 /л)

Ҳисоблашнинг маъноси оддий: мавжуд АСТ кўрсаткичининг АСТ нинг юқори чегарасига нисбати 100 га кўпайтирилади ва тромбоцитлар сонига бўлинади.

Натижани талқин қилиш.

Агар индекс қиймати 1,0 дан катта бўлса, унда сезиларли фиброз эҳтимоли юқори, агар 0,5 дан кам бўлса, унда юқори эҳтимоллик билан сезиларли фиброз ва хатто цирроз йўқлигини айтиш мумкин.

Унинг ишончлилиги унчалик юқори эмас, аммо тест жигар биопсиясига мурожаат қилмасдан, кучли жигар фибрози ва айниқса, цирроз мавжудлигини дастлабки тахминий баҳони беришга имкон беради.

APRI ни аниқлаш учун калькуляторга ҳавола

<https://www.bing.com/ck/a?!&&p=df657f4cbaf5ad83JmltdHM9MTexMjI3NTIwMCZpZ3VpZD0wMmVmNzFjYy01MmUxLTZmNTUtMDI1Mi02Mjk0NTM3MjZlYjcmaW5zaWQ9NTE4Mw&ptn=3&ver=2&hsh=3&fclid=02ef71cc-52e1-6f55-0252-629453726eb7&psq=%d1%80%d0%b0%d1%81%d1%87%d0%b5%d1%82+%d0%b0%d0%bf%d1%80%d0%b8&u=a1aHR0cHM6Ly9tZGNhbGMucnUvYXByaS9jYWxjLnBocA&ntb=1>

4. Протоколнинг ташкилий жиҳатлари:

1) Манфаатлар тўқнашуви йўқлиги тўғрисидаги маълумотлар: йўқ

2) Такризчилар

Камилов Фарход Хайдарович

Тошкент педиатрия тиббиёт институти юкумли, болалар юкумли касалликлари, эпидемиология, фтизиатрия ва пульмонология кафедраси тиббиёт фанлари доктори, доценти

Кошерава Бахыт Нурғалиевна

Қозоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг юкумли касалликлар бўйича бош мутахассиси, тиббиёт фанлари доктори, “Остона тиббиёт университети” НАЖ профессори

3) Протоколни қайта кўриб чиқиш шартлари: нашр этилганидан кейин 3 йил ўтгач ёки самарадорлиги тасдиқланган янги ташхисот ва даволаш усуллари пайдо бўлганда.

4) Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

7. Pawlotsky, Jean-Michel, et al. "EASL recommendations on treatment of hepatitis C: final update of the series☆." *Journal of hepatology* 73.5 (2020): 1170-1218 <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0168827820305481>
8. European Association for The Study of The Liver. "EASL recommendations on treatment of hepatitis C 2016." *Journal of hepatology* 66.1 (2017): 153-194. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0168827816304895>
9. Информационный бюллетень ВОЗ по вирусному гепатиту С от 18 июля 2023 года. <https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/hepatitis-c>
10. Хронический вирусный гепатит С (2021) . Клинические рекомендации (РФ). https://medi.ru/klinicheskie-rekomendatsii/khronicheskij-virusnyj-gepatit-s-khvgs-u-vzroslykh_14028/
11. Клинические рекомендации – Хронический вирусный гепатит С – 2021-2022-2023 (14.02.2022) – Утверждены Минздравом РФ
http://disuria.ru/ld/12/1211_kr21B18p2MZ.pdf
12. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 27 августдаги “Ўзбекистон Республикасида вирусли гепатитларнинг ташхисоти, давоси ва профилактикаси бўйича чора-тадбирларни янада такомиллаштириш тўғрисида” ги 542-сон буйруғи

**«СУРУНКАЛИ ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ С»
НОЗОЛОГИЯСИНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА
РЕАБИЛИТАЦИЯСИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК
ПРОТОКОЛИ**

Тошкент 2025

Кириш қисми

1) Халқаро касалликлар таснифи – ХКТ-10 кодлари:

B 18.2	Сурункали вирусли гепатит С
--------	-----------------------------

Халқаро касалликлар таснифи – ХКТ-11 кодлари:

1E51.1	Сурункали вирусли гепатит С
--------	-----------------------------

2) **Протоколни ишлаб чиқишиш ва қайта кўриб чиқиш санаси:** 2025 йил, қайта кўриб чиқиш санаси 2027 йил ёки янги асосий далиллар мавжуд бўлганда. Тақдим этилган тавсияларга киритилган барча тузатишлар тегишли ҳужжатларда эълон қилинади.

Клиник протокол ва стандартни ишлаб чиқиш бўйича масъул муассаса:

Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказининг Вирусология илмий-тадқиқот институти.

Клиник протокол ва стандартни ишлаб чиқишга ҳисса қўшганлар:

Жараёни ташкил этиш бўйича юқумли касалликлар йўналиши бўйича ишчи гуруҳ аъзолари:

1. Таджиев Б.М. Марказ директори, т.ф.д., профессор РИЭМЮПКИАТМ
2. Таджиева Н.У. Илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, т.ф.д., профессор РИЭМЮПКИАТМ

3) Асосий муаллифлар рўйхати:

1.	Мусабаев Э.И.	Институт директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги	РИЭМЮПКИАТМнинг вирусология илмий-тадқиқот институти
2.	Туйчиев Л.Н.	Юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси мудир, тиббиёт фанлари доктори, профессор	Тошкент Давлат тиббиёт университети
3.	Абдукодирова М.А.	Бош илмий ходим, т.ф.д., катта илмий ходим	РИЭМЮПКИАТМнинг вирусология илмий-тадқиқот институти
4.	Хикматуллаева А. С.	Илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор	РИЭМЮПКИАТМнинг вирусология илмий-тадқиқот институти
5.	Байжанов А.К.	Лойиҳа раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим	РИЭМЮПКИАТМнинг вирусология илмий-тадқиқот институти

6.	Рахимова В. Ш.	Юқумли ва болалар юқумли касалликлар кафедраси доценти, т.ф.н.	Тиббиёт ходимларининг касбий тайёргарлигини ривожлантириш маркази
7.	Эгамова И. Н.	Бош шифокорнинг ташкилий-услубий ишлар бўйича ўринбосари, т.ф.н., катта илмий ходим	РИЭМЮПКИАТМн инг вирусология илмий-тадқиқот институти
8.	Бригида К.С.	Бўлим мудири, PhD	РИЭМЮПКИАТМн инг вирусология илмий-тадқиқот институти
9.	Исмоилов У.Ю	Гепатология маркази раҳбари, т.ф.н.	РИЭМЮПКИАТМн инг вирусология илмий-тадқиқот институти клиникаси
10.	Долимов Т.К.	Юқумли касалликлар шифокори, т.ф.д.	РИЭМЮПКИАТМн инг клиникаси
11.	Миррахимова Н.М.	Мустақил изланувчи, PhD, катта илмий ходим	РИЭМЮПКИАТМн инг вирусология илмий-тадқиқот институти
12.	Абдурахимова Д.Р.	Юқумли касалликлар шифокори	РИЭМЮПКИАТМн инг вирусология илмий-тадқиқот институти клиникаси

4) Такризчилар

Камилов Фарход Хайдарович

Тошкент педиатрия тиббиёт институти юқумли, болалар юқумли касалликлари, эпидемиология, фтизиатрия ва пульмонология кафедраси тиббиёт фанлари доктори, доценти

Кошерава Бахыт Нурғалиевна

Қозоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг юқумли касалликлар бўйича бош мутахассиси, тиббиёт фанлари доктори, “Остона тиббиёт университети” НАЖ профессори

5) Муҳокама ўтказилган сана

Клиник протокол олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, Ўзбекистон юқумли касалликлар ассоциацияси аъзолари, соғлиқни сақлаш ташкилотчилари (РИЭМЮПКИАТМ филиаллари директорлари ва ўринбосарлари), юқумли касалликлар хизмати тизимининг худудий муассасалари шифокорлари иштирокидаги ишчи гуруҳнинг якуний йиғилишида норасмий келишувга эришилган ҳолда 2025 йил 20 май куни 6-сонли баённома билан онлайн форматда муҳокама қилинди ва тасдиқлаш учун тавсия этилди.

Ишчи гуруҳ раҳбари - т.ф.д., профессор, ЎзР ФА академиги, РИЭМЮПКИАТМнинг Вирусология ИТИ директори Э.И.Мусабаев.

Миллий клиник протокол ва стандартларни техник баҳолаш бўйича эксперт хулосаси ва таҳрирлаш:

- 1.
- 2.

Миллий клиник протокол ва стандартларни Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Эксперт гуруҳи мутахассислари томонидан ўтказилган баҳолаш бўйича эксперт хулосаси:

- 1.
- 2.

Мазкур миллий клиник протокол ва стандарт Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари т.ф.д. Ф.Шарипов, клиник протокол ва стандартларни ишлаб чиқиш бўлими бошлиғи т.ф.д. С.Убайдуллаева, бош мутахассислари Ш.Нуримов, С.Усманов ва Г.Джумаевалар услубий бошчилигида ишлаб чиқилган.

6) Қисқартмалар рўйхати

anti-HCV	гепатит С вирусига қарши антитаналар
HBsAg	hepatitis B surface antigen, гепатит В вирусининг юзаки антигени
ВГВ	гепатит В вируси
ВГВ ДНК	гепатит В вирусининг ДНК си
ВГС	гепатит С вируси
ВГС РНК	гепатит С вирусининг РНК си
IgG	иммуноглобулин G синфи
АЛТ	аланинаминотрансфераза
АСТ	аспартатаминотрансфераза
ОИВ	Одамнинг иммунитет танқислиги вируси
ГЦК	гепатоцеллюляр карцинома
ДНК	дезоксирибонуклеин кислотси
КТ	компьютер томографияси
ХБ	халқаро бирлик
МНО	халқаро меъёрланган нисбат
УҚТ	умумий қон таҳлили
ВҚТ	вирусга қарши терапия
ЎзРес	Ўзбекистон Республикаси
РНК	рибонуклеин кислотси

ДХ	далилларнинг ҳаққонийлиги
УТТ	ультратовуш текшируви
ЖЦ	жигар циррози

7) Протоколдан фойдаланувчилар:

Умумий амалиёт шифокорлари, терапевтлар, инфекционистлар, педиатрлар, акушер-гинекологлар, гастроэнтерологлар, клиник ординаторлар, магистрлар, докторантлар.

Ушбу протокол барча жойларда соғлиқни сақлаш амалиётига парентерал вирусли гепатитларнинг ташхисоти ва даволашнинг замонавий усулларини жорий қилиш учун асос ҳисобланади.

8) Ушбу нозологиядаги беморларнинг тоифаси:

Болалар, катталар, ҳомиладор аёллар.

9) Далилларнинг ҳаққонийлик даражаларини баҳолаш шкаласи

ДХД	Тафсили
1	Референс усулларида назорат қилинган тадқиқотларнинг тизимли шарҳлари ёки мета-таҳлилни қўллаган ҳолда рандомизацияланган клиник тадқиқотларнинг тизимли шарҳлари
2	Референс усулларида назорат қилинган айрим тадқиқотлар ёки айрим рандомизацияланган клиник тадқиқотлар ва исталган дизайндаги тадқиқотларнинг тизимли шарҳлари, мета-таҳлилни қўллаган ҳолда рандомизацияланган клиник тадқиқотлар бундан мустасно
3	Референс усулининг изчил назоратсиз тадқиқотлар ёки тадқиқ этилаётган усулга боғлиқ бўлмаган референс усулли тадқиқотлар ёки рандомизацияланмаган таққосланмайдиган тадқиқотлар, жумладан, когорт тадқиқотлар
4	Таққосланмайдиган тадқиқотлар, клиник ходисанинг баёни
5	Фақат таъсир механизмининг асосланиши ёки экспертлар фикрининг мавжудлиги

Тавсияларнинг ишонччилик даражаларини баҳолаш шкаласи

ТИД	Тафсили
А	Кучли тавсия (кўриб чиқиладиган барча самарадорлик мезонлари (оқибатлар) муҳим, барча тадқиқотлар юқори ёки қониқарли услубий сифатга эга, уларнинг оқибатлари бўйича хулосалар мувофиқлаштирилган)
В	Шартли тавсия (кўриб чиқиладиган барча самарадорлик мезонлари (оқибатлар) муҳим эмас, барча тадқиқотлар юқори ёки қониқарли услубий сифатга эга эмас ва / ёки уларнинг оқибатлари бўйича хулосалар мувофиқлаштирилмаган)
С	Заиф тавсия (тегишли сифатли далилларнинг йўқлиги (кўриб чиқиладиган барча самарадорлик мезонлари (натижалари) аҳамиятсиз, барча тадқиқотлар паст услубий сифатга эга ва уларнинг оқибатлари бўйича хулосалар мувофиқлаштирилмаган)

4. Асосий қисм.

4.1. Кириш

Гепатит С вируси (HCV) глобал микёсда тарқалган бўлиб, ЖССТ маълумотларига кўра, 2019 йилда гепатит С дан 290 мингга яқин одам, асосан цирроз ва гепатоцеллюляр карциномадан вафот этган. 2015 йилда дунё бўйлаб сурункали гепатит С ташхисланганлар 71 миллионга яқин бўлган, уларнинг аксарияти ўзларининг касалланганликлари ҳақида билишмаган. Ҳар йили 1,5 миллионга яқин инфекция юктириш ҳолатлари кўзатилади. Бу рақамлар ҳар сафар сезиларли фарқлар билан қайд қилинади (1 жадвалга қаранг). HCV инфекцияси дунё бўйлаб сурункали жигар касалликларининг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда. HCV инфекциясининг узоқ муддатли табиий кечиши турличадир: жигарнинг шикастланиши минимал некрозга олиб келиши ўзгаришлардан кенг фиброз ва жигар циррози ёки гепатоцеллюляр карцинома (ГЦК) билан намоён бўлиши мумкин. Сўнгги икки ўн йилликда HCV билан боғлиқ жигар касаллиги билан оғриган беморларга клиник ёрдам кўрсатиш касалликнинг патофизиологиясини чуқур тушуниш, шунингдек, ташхисот жараёнларидаги ютуқлар, терапия ва олдини олишнинг тубдан яхшиланиши туфайли сезиларли даражада ривожланди <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0168827820305481> (Pawlotsky, Jean-Michel, et al. "EASL recommendations on treatment of hepatitis C: final update of the series ☆." Journal of hepatology 73.5 (2020): 1170-1218.)

СВГС кўзгатувчиси HCV бўлиб, Флавивиридае оиласига мансуб таркибида РНК сақловчи кичик гепатотроп вирусдир. Вирус ядро оксиди (HCVcoreAg) ва бир занжирли (+) РНКдан ташкил топган нуклеокапсиддан иборат. Вирусли геном 10 хил оксилни, шу жумладан 3 та структуравий ва 7 та структуравий бўлмаган (p7, NS2, NS3, NS4A, NS4B, NS5A ва NS5B) ни кодлайди.

1 дан 8 гача араб рақамлари билан белгиланадиган 8 та генотип ва латин ҳарфлари билан белгиланадиган бир неча ўнлаб HCV субтиплари мавжуд. 1a ва 1b генотипларининг кичик типлари катта клиник аҳамиятга эга. Генотип ва субтиплар кетма-кетлиги мос равишда тахминан 30% ва 20% фарқланади. Вирус геномининг ўзгарувчанлиги ўзига хос антитаначаларнинг ишлаб чиқарилишини аниқлайдиган антиген детерминантларнинг тузилишида ўзгаришларга олиб келади. Бу организмдан вирусни йўқ қилиш ва HCV га қарши самарали вакцина яратишга тўсқинлик қилади https://medi.ru/klinicheskie-rekomendatsii/khronicheskij-virusnyj-gepatit-s-khvgs-u-vzroslykh_14028/

HCV терапиясининг асосий мақсади инфекцияни даволаш, яъни барқарор вирусологик жавобга (БВЖ) эришишдир. БВЖ бу даволаш тугагандан сўнг HCV РНКнинг аниқланмаслиги. БВЖ HCV инфекциясидан тўлиқ даволанишдир, чунки кеч рецидив 6 ойлик кузатувдан кейин 0,2% дан кам ҳолларда содир бўлади. БВЖ одатда жигар ферментларининг меъёрга келиши, жигар некротик яллиғланиш ва фиброзининг яхшиланиши ёки регрессияси, жигар фаолиятининг яхшиланиши билан боғлиқ <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0168827820305481> Pawlotsky, Jean-Michel, et al. "EASL recommendations on treatment of hepatitis C: final update of the series ☆." Journal of hepatology 73.5 (2020): 1170-1218.)

1.1. Таъриф:

Сурункали вирусли гепатит С (СВГС) 6 ойдан ортиқ давом этадиган жигарнинг сурункали яллиғланиш касаллиги бўлиб, гепатит С вирусини (ГСВ ёки HCV – Hepatitis C virus) юктирганлиги сабабли асосан жигар тўқимасининг шикастланиши билан боғлиқ оғир оқибатларга - цирроз (ЖЦ), жигар саратони (гепатоцеллюляр карцинома) ва ўлимга олиб келиши мумкин <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0168827820305481>)Pawlotsky, Jean-Michel, et al. "EASL recommendations on treatment of hepatitis C: final update of the series ☆." Journal of hepatology 73.5 (2020): 1170-1218.)

3) Профилактика ва реабилитация турлари:

- носпецифик

4) Жамоат профилактика тадбирлари ва шахсий профилактикани ўтказиш тамойиллари:

Сурункали гепатит С нинг профилактика тадбирлари унинг эпидемиологиясининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда эпидемияга қарши оммавий тадбирларга қаратилган. Профилактика чоралари инфекция юқтиришнинг олдини олишга, шунингдек касалликнинг юқиш механизмини узишга қаратилган. Эпидемиологик жиҳатдан нохуш шароитдаги ва инфекция юқтириш хавфи мавжуд бўлган кишилар мунтазам равишда текширувдан ўтишлари зарур.

3.1. Профилактика усуллари ва муолажалари:

1) Профилактика мақсади (профилактика мақсади кўрсатилади):

-касалликларнинг қайта ривожланиши учун хавф омилларининг вужудга келиши ва улар таъсирининг олдини олиш.

2) СВГСнинг специфик профилактикаси

C4	Бугунги кунда СВГС нинг специфик профилактикаси ишлаб чиқилмаган. - СВГС аниқланган беморларга А ва В гепатит вирусларини юқтириб олишнинг олдини олиш мақсадида ушбу вирусларга қарши вакцинация тавсия қилинади.
----	---

3) Носпецифик профилактикаси

C5	Вирусга қарши терапияни ўз вақтида ўтказиш учун инфекция манбаларини фаол аниқлаш (инфекция юқтириш хавфи юқори бўлган ва/ёки алоҳида эпидемиологик аҳамиятга эга бўлган шахсларни текшириш) тавсия этилади.
A1	СВГС билан боғлиқ бўлган инфекциянинг тарқалиш хавфини камайтириш учун сунъий юқиш механизмининг олдини олиш (фақат ҳаётий кўрсатмаларга кўра қон қуйиш, инвазив текшириш усуллари асосланганлиги, бир марталик асбоблардан фойдаланиш, тиббий асбоблар ва жиҳозларни зарарсизлантириш режимларига қатъий риоя қилиш, тиббиёт ходимлари томонидан ҳимоя воситаларидан фойдаланиш) тавсия қилинади
C5	СВГС билан касалланган беморларга инфекция тарқалишини олдини олиш учун кўзғатувчини тўлиқ эрадикациясига йўналтирилган вирусга қарши терапия тавсия қилинади

3.2. Реабилитация усуллари ва муолажалари: Реабилитация чоралари ишлаб чиқилмаган. ДИСПАНСЕР КУЗАТУВ

C4	Вирусга қарши терапия қолдирилган сурункали С вирусли гепатит билан оғриган беморларга динамикада мониторинг учун ҳар йили бир марта кенг қамровли клиник, лаборатор ва инструментал текширувдан ўтиш тавсия қилинади
	Сурункали гепатит С билан оғриган барча беморлар учун – умумклиник, биокимёвий таҳлил, қорин бўшлиғининг ультратовуш текшируви (комплекс) ва жигар эластометрияси (агар у мавжуд бўлмаса, лаборатория текширувлари натижаларига асосланган ҳисоблаш кўрсаткичлари, масалан, APRI, FIB-4 индексларини ҳисоблашдан фойдаланиш мумкин); Сурункали гепатит С оқибатида жигар циррози ривожланган барча беморларда юқорида санаб ўтилган текширувларга қўшимча равишда – умумий (клиник) қон таҳлили (батафсил), протромбин (тромбопластин) вақтини аниқлаш, ЭФГД (эндоскопия) тавсия қилинади
C5	Сурункали гепатит С билан оғриган беморларга вирусга қарши терапияни дарҳол бошлашга кўрсатма бўлган ҳолларда беморларга диспансер кузатуви тавсия қилинмайди

C5	<p>Барқарор вирусологик жавоб (12 ой) кузатилган жигар фибрози бўлмаган, енгил ва ўрта даражада жигар фибрози (METAVIR бўйича F0-F2) аниқланган беморларга диспансер кузатуви тавсия этилмайди</p> <p>Изоҳлар: СВГС билан вирусга қарши терапия ўтказилгандан кейин 12 ҳафта давомида гепатит С вирусининг РНКси аниқланмаган anti-HCV мусбат бўлган беморлар СВГС дан тўлиқ даволанган ҳисобланади ва диспансер кузатуvidан чиқарилади</p>
A1	<p>Сурункали ВГС инфекцияси учун вирусга қарши терапия ўтказилган беморларда ҳатто барқарор вирусологик жавоб (12 ой) кузатилганда ҳам кучли ва оғир даражада жигар фибрози (METAVIR бўйича F3-F4) аниқланган беморларга ГЦК ривожланиш хавфи мавжудлиги боис (қонда АФПни назорат қилиш ва ҳар 6 ойда қорин бўшлиғини ультратовуш текширувини ўтказган ҳолда) умрбод диспансер кузатуви тавсия этилади</p>

6. *Профилактик ва реабилитация тадбирлари самарадорлигининг кўрсаткичлари – касалланишни камайтириши*

Протоколнинг ташкилий жиҳатлари:

1) Манфаатлар тўқнашуви йўқлиги тўғрисидаги маълумотлар: йўқ

Такризчилар:

Камилов Фарход Хайдарович

Тошкент педиатрия тиббиёт институти юқумли, болалар юқумли касалликлари, эпидемиология, фтизиатрия ва пульмонология кафедраси тиббиёт фанлари доктори, доценти

Кошерава Бахыт Нургалиевна

Қозоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг юқумли касалликлар бўйича бош мутахассиси, тиббиёт фанлари доктори, “Остона тиббиёт университети” НАЖ профессори

3) Протоколни қайта кўриб чиқиш шартлари: нашр этилганидан кейин 3 йил ўтгач ёки самарадорлиги тасдиқланган янги ташхисот ва даволаш усуллари пайдо бўлганда.

4) Фойдаланинган адабиётлар рўйхати:

1. Pawlotsky, Jean-Michel, et al. "EASL recommendations on treatment of hepatitis C: final update of the series☆." *Journal of hepatology* 73.5 (2020): 1170-1218 <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0168827820305481>
2. European Association for The Study of The Liver. "EASL recommendations on treatment of hepatitis C 2016." *Journal of hepatology* 66.1 (2017): 153-194. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0168827816304895>
3. Информационный бюллетень ВОЗ по вирусному гепатиту С от 18 июля 2023 года. <https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/hepatitis-c>
4. Хронический вирусный гепатит С (2021) . Клинические рекомендации (РФ). https://medi.ru/klinicheskie-rekomendatsii/khronicheskij-virusnyj-gepatit-s-khvgs-u-vzroslykh_14028/

5. Клинические рекомендации – Хронический вирусный гепатит С – 2021-2022-2023 (14.02.2022) – Утверждены Минздравом РФ
http://disuria.ru/ld/12/1211_kr21B18p2MZ.pdf
6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2018 йил 27 августдаги “Ўзбекистон Республикасида вирусли гепатитларнинг ташхисоти, давоси ва профилактикаси бўйича чора-тадбирларни янада такомиллаштириш тўғрисида” ги 542-сон буйруғи